



U.S. Embassy Tashkent, Uzbekistan

ATTENTION

The U.S. Embassy in Tashkent has been designated to conduct immigrant visa services for residents of Russia (IR-5). Visit [U.S. Visa News](#) for additional information. Immigrant visa applicants should review the [U.S. Embassy in Tashkent page](#) for additional instructions. Applicants with appointments currently scheduled should reach out to the National Visa Center using the [Public Inquiry Form](#) to request or confirm an appointment.

Please follow the steps below *before* your immigrant visa interview at the U.S. Embassy in Tashkent, Uzbekistan.

Step 1: Register your appointment online

You need to register your appointment online. Registering your appointment gives us the information we need to return your passport to you after your interview. Registration is free. Click the “Register” button below. You may cancel or reschedule your appointment after registering.

[Register](#)

Step 2: Schedule a medical exam in Uzbekistan

As soon as you receive your appointment date, you must schedule a medical exam in Uzbekistan. Click the “Medical Exam Instructions” button below for a list of designated doctors’ offices in Uzbekistan. Please schedule and attend a medical exam with one of these doctors before your interview.

[Medical Exam Instructions](#)

Step 3: Complete your pre-interview checklist

It is important that you bring all required original documents to your interview. We’ve created a checklist that will tell you what to bring. Print the checklist below and bring it to your interview along with the listed documents.

[Pre-interview Checklist](#)

Step 4: Review interview guidelines

Read our interview guidelines to learn about any special actions that you need to take *before* your visa interview.

[Interview Guidelines](#)

Contact information

U.S. Embassy Tashkent
3 Moyqorghon Street, 5th block,
Yunusobod District, 100093
Tashkent, Uzbekistan

Contact us:
[Visa Navigator](#)

Website:
[uz.usembassy.gov](#)

Map:



Other links

- [Diversity Visa Instructions](#)
- [After your interview](#)
- [Frequently asked questions](#)
- [Uzbekistan Document Guide](#)

Social media



Interview Preparation Video





Medical Exam Instructions

Everyone applying for an immigrant visa, no matter how old they are, must have a medical exam before they get their visa. Only a physician approved by the U.S. Embassy is allowed to do this exam. **It is your responsibility to schedule a medical exam with the clinic listed below before your visa appointment** at the U.S. Embassy. Medical exam results from other physicians will **not** be accepted. We recommend that you schedule a medical exam at least three (3) weeks prior to your visa interview to ensure the results of your medical examination are ready.

Approved clinic

Tashkent International Clinic (TIC)

38 Sarikulskaya Street, Tashkent

Telephone: (998-78) 120 1120

Website: www.tashclinic.org

Items to bring to your medical examination

Applicants younger than 17 years of age **must be escorted** to the medical exam by a parent or a legal guardian. Bring the following items to your medical exam:

- Your passport and one photocopy,
- Your visa interview appointment letter with immigration case number,
- Your DS-260 confirmation page,
- Vaccination records (local form #063) obtained from local medical service provider (polyclinic),
- One printed copy of your contact's name and address in the United States,
- Your address in Uzbekistan,
- Your email address, and
- Your glasses or contact lenses, if applicable.

During the medical exam

- for syphilis (for applicants 18-44 years of age),
- Urine gonorrhea testing (for applicants 18–24 years of age),
- Blood test for tuberculosis screening (for applicants two years of age and older).

Your physician may request other tests if needed. Be prepared to discuss your medical history, the medications you are taking, and the current treatments you are receiving. More information on general medical requirements for U.S. immigrants is available on the [Centers for Disease Control and Prevention's website](https://www.cdc.gov).

U.S. immigration law requires immigrant visa applicants to get certain vaccinations prior to the issuance of a visa. Current immigrant visa vaccination requirements are available on [CDC.Gov](https://www.cdc.gov). There you can find information on [what vaccines you need](#) based on your age. You can also read Frequently Asked Questions about our medical exam requirements at [Travel.State.Gov](https://travel.state.gov).

After the medical exam

The clinic will send your medical results to the Consular Section of the U.S. Embassy in Tashkent before your immigrant visa appointment. Under no circumstances can the clinic or the U.S. Embassy provide you with copies of the official medical exam forms.

Pre-Interview Checklist



If your case is being processed ELECTRONICALLY your petitioner submitted the copies of the following documents to NVC via Consular Electronic Application Center (CEAC).

Any documents that are submitted to CEAC and are not in English must be uploaded with certified English translation. It is very important that copies and translations of each document are scanned and uploaded in one file. If your documents are not submitted in the required format, they will be rejected at the time of your interview which may delay the processing of your case. Therefore, ensure to review all documents submitted to CEAC before your Interview.

For additional information on how to upload documents to CEAC please review [Scanning and Uploading Tips](#).

You are required to bring the originals of all documents which were submitted to CEAC to your Interview.

If your case is being processed REGULARLY (PAPER BASED) any documents that are not in English must be accompanied by a certified English translation.

Use the list below to determine the items that every applicant must bring to the immigrant visa interview.

- Passport:** Unexpired passport valid for international travel and at least eight (8) months beyond your intended date of entry to the United States **and** a photocopy of the biographic page (where your name and photo are located).
- Photographs:** Two (2) color passport-size (5 cm x 5 cm, or 2 inch x 2 inch) photographs of each person applying for a visa taken against a white background. Please review our [online photo requirements](#).
- DS-160 Confirmation Page (If applicable):** Confirmation page of the **Form DS-160** Application for a Non-Immigrant Visa you submitted online at ceac.state.gov/GenNIV (Required for fiancé or K visa applicants).
- Your **original** birth certificate, English translation, **and** a photocopy. If your name has changed, provide a name change document issued by a court or vital records office. For individuals whose name changed via the vital records office in Uzbekistan, you must get a name change document from the vital records office.

Applicants who fall into any category listed in italics below should bring these additional documents:

For family-based visa applications:

- Documents proving family relationship (birth certificate, marriage certificate, name-change certificate (if applicable), adoption decree).
- The appropriate [Form I-864 Affidavit of Support](#) for **each** financial sponsor along with a photocopy of the sponsor's IRS transcript or most recent U.S. federal income tax return, and any relevant W-2s.
- Proof of your U.S. petitioner's status and [domicile](#) in the United States (photocopy of a U.S. passport, naturalization certificate, or lawful permanent resident card).
- Evidence of the relationship between the petitioner and visa applicant (such as photographs, letters, or emails).

↓ Continued on next page ↓

Pre-Interview Checklist



If you are older than 16 years of age:

- The **original** police certificate from your country of current residence **and** countries of previous residence. If these three items are **all** true, you must bring a more recent police certificate to the interview:
1. You are older than 16 years;
 2. You obtained a police certificate and submitted it to NVC more than one year ago; and
 3. You still live in the country that issued the police certificate.

Police certificates from Uzbekistan can be obtained via Unified Portal for State Services (UPSS) at my.gov.uz. When applying for a police certificate, it is important to ensure that all previously used names are included in the request. This includes your maiden name if you have changed your name due to marriage or any other reason. Please clearly list all names you have used, including your maiden name, on the application form to ensure that all information provided is accurate and complete.

Non-Uzbek citizens should apply at the Ministry of Foreign Affairs of Uzbekistan through the Embassy of that person's country of nationality. *Any visa applicant who has been arrested or convicted of a crime in Uzbekistan should bring all related court documents to the visa interview* in order to avoid unnecessary visa processing delays. These court records are required even if government authorities dropped the charges, expunged the individual's criminal record, or granted the applicant amnesty.

Applicants who completed Soviet military service outside what is now Uzbekistan (i.e. in Russia, Germany, Ukraine, etc.) must present police certificates from those countries. For information on how to apply for a police certificate in another country, please visit the [Bureau of Consular Affairs website](#) and select the desired country from the drop-down menu.

Important notice for applicants who served in third countries during military service: A Ministry of Defense clearance certificate providing information regarding criminal records or convictions during military service in a third country does not serve as a substitute for a police certificate from that country.

If you have ever been convicted of a crime:

- Court and criminal records, English translation, and a photocopy.
- Text of the applicable statute/article from the criminal code and English translation.

If you are married:

- Your **original** marriage certificate, English translation, and a photocopy. This is not required for IR-5 applicants.

If you were previously married:

- Your **original** divorce or spouse's death certificate and a photocopy. This is not required for IR-5 applicants.

If you have Military Records/Book:

- Your original military book and a photocopy. If you're exempt, you must present a draft registration card (приписной билет) in place of a military book.

↓ Continued on next page ↓

Pre-Interview Checklist



For employment-based visa applications:

- Letter from your U.S. employer dated less than one month ago
- Proof of your qualification for the visa.

If you are adopted:

- Adoption papers or custody documents, English translation, and a photocopy.

If you are the petitioner's stepchild:

- The **original** marriage certificate of the petitioner and your biological parent, English translation, and a photocopy.
- Divorce records for any previous marriages of either parent.

If you are applying for an IR5 (parent of a U.S. citizen) or F4 (brother/sister of a U.S. citizen) visa:

- The **original** birth certificate of the petitioning U.S. citizen **and** a photocopy.
- Petitioner's name-change document, if applicable.

If you are applying for a K1, K2, K3, or K4 visa:

- Confirmation page from the Form DS-160 Application for a Non-Immigrant Visa you submitted online at ceac.state.gov.
- An I-134 Affidavit of Support of each financial sponsor along with a photocopy of the sponsor's IRS transcript or most recent U.S. federal income tax return, and any relevant W-2s.

Interview Guidelines



Sending documents to the U.S. Embassy

If the U.S. Embassy requested additional information or documents from you, you must submit those documents at a document pick up location.

Rescheduling or cancelling your interview

If you are unable to attend your appointment, you may request to reschedule your immigrant visa appointment 24 hours after the interview date passes through ais.usvisa-info.com. **There's no guarantee that a visa will still be available if you reschedule your appointment.** Check the [Visa Bulletin](#) carefully before you reschedule your interview. If you're applying for a Diversity Visa (DV), remember that visas are limited in number and must be issued by September 30 of the program year.

Please note: *You need to register your original NVC/KCC appointment online before you can reschedule it. Rescheduling is only possible on a date after your assigned appointment.*

Security screening procedures

All visitors to the U.S. Embassy in Tashkent must follow certain security procedures. Any visitor who declines to be screened by U.S. Embassy security personnel will be unable to enter the embassy. To avoid delaying your entry and that of those in line behind you, bring only what is required for your interview. We recommend you arrive at least 15 minutes before your scheduled appointment. If you are late, you may not be allowed into the embassy for your appointment.

Accompanying persons

The following people may accompany a visa applicant to their interview, given that they have **registered as such at least one week ahead of the interview**:

- Parents/Legal Guardians of Minors: Minors under the age of 16 **must** be accompanied by a parent or a legal guardian. If a parent is unable to accompany, , minors must be accompanied by a legal guardian appointed under a signed and notarized power of attorney.
- Interpreters: The U.S. Embassy in Tashkent conducts interviews in **Uzbek, Russian, and English**. Applicants who are unable to communicate in one of these languages should bring an **interpreter** to their interview.
- Petitioner: The petitioner may accompany the beneficiary, if so desired.
- Special Needs Assistant: Applicants who have special needs (elderly, disabled) may be accompanied by someone who will assist them.

To notify the embassy that one of the above people will attend your visa interview with you, visit [Visa Navigator](#). Everyone entering the embassy must bring their passport.

Attorneys are **not** permitted to accompany clients into the waiting room or to their interview.

↓ Continued on next page ↓

Interview Guidelines



Immigrant visa fees

If you have not paid all required fees to the National Visa Center, please be prepared to pay these fees on the day of your interview. All fees may be paid in U.S. dollars. We accept cash only. *Please note that if you are found ineligible to receive a visa, the application fee cannot be refunded.* A complete list of fees can be found [here](#).

Do not make travel plans outside of Uzbekistan

If your visa is approved, we will keep your passport at the embassy while we prepare your immigration packet and print a visa for your passport. If you must travel within Uzbekistan while your passport is still with us, make sure you keep a copy of your passport.

Diversity Visa Applicants – Additional Information



If you are interviewing for a Diversity Visa (DV), all the above instructions apply to you. Schedule and attend a medical exam before your visa interview and gather the required documents.

Below are additional instructions that apply **only** to DV applicants.

Bring to your interview

In addition to the documents listed on the Pre-Interview Checklist in this package, DV applicants should also bring the following items to their visa interview:

- Appointment information printed from the “Entrant Status Check” on the [E-DV website](#).
- Documents showing that the principal applicant has, at minimum, either a qualifying high school education **OR** have two years of qualifying work experience in the last five years immediately prior to application (for the principal applicant only; more information is available [online](#)).
- Payment in U.S. dollars cash of the \$330 Diversity Visa Application Fee.

Review your DV Lottery Entry

Prior to your visa interview, we recommend that you review the data on your initial E-DV entry. On your initial E-DV application, you must have correctly entered all required information, including your full legal name, date of birth, gender and your marital status. If you are legally married you must have listed your spouse, even if you are currently separated from him/her (unless your spouse is a U.S. citizen or Lawful Permanent Resident).

Additionally, you must have listed ALL of your living children who are unmarried and under 21 years old. This includes your natural children, your spouse’s children, or children you have formally adopted in accordance with the laws of your country.

Failure to have listed an existing spouse or children or errors in your personal data at the time of your entry in the Diversity Visa lottery will result in the denial of your visa and visas for your family. Any fees paid to the U.S. government in support of your visa application(s) are nonrefundable. You can review the eligibility requirements [online](#).



After Your Visa Interview

A consular officer can decide on a visa application only after reviewing the formal application and interviewing the applicant. ***There is no guarantee that you will receive a visa.*** Do not quit your job, sell your property, or make non-refundable travel arrangements until you have physically received your immigrant visa.

If more information is needed

Sometimes a consular officer refuses a visa application to review **additional documents** or for **administrative processing**.

For additional documents:

- The consular officer will give you a refusal letter that asks you to submit additional documents.
- The letter will include instructions on how to submit those documents to the embassy.

For administrative processing:

- This means the consulate needs more time to review your case.
- How long this takes depends on your specific situation.

Wait **at least** 60 days after your interview before asking about your application status.

What happens after visa approval

Passport, Visa, and Sealed Immigrant Packet – We will place your immigrant visa on a page in your passport. Please review your visa to make sure there are no spelling errors. We will also give you a sealed envelope containing documents that you must give to U.S. immigration authorities when you arrive in the United States for the first time. ***Do not open this envelope. You must carry it with you; do not put it in your checked luggage.***

If your case has been processed electronically you will not hand-carry your packet as it will be transmitted to Customs and Border Protection (CBP) electronically.

If you receive X-rays CDs during your medical examination, carry those with you and give them to the U.S. immigration authorities.

USCIS Immigrant Fee – All individuals who are issued immigrant visas overseas must **pay an Immigrant Fee** to U.S. Citizenship and Immigration Services (USCIS) **prior to traveling** to the United States. This fee is for processing your residency status and printing your Permanent Resident Card. The only people exempt from paying this fee are:

- Children entering the United States under the Hague Process,
- Afghan special immigrants (SQs),
- Returning residents, and
- People traveling on a K visa.

When You Should Travel – You must enter the United States *before* the expiration date on your visa, which is usually six months from the date of printing. Your visa cannot be extended and all fees are non-refundable. The principal applicant must enter **before or at the same time** as other family members with visas. Unless they are eligible for benefits under the Child Status Protection Act, children who are issued a visa before turning 21 years of age must enter the United States **before** their 21st birthday to avoid losing their immigrant status.

Getting a Green Card – Your Form I-551 Permanent Resident Card, also known as a green card, will be automatically mailed to the address in the United States that you write in your visa application form. This is a very important document that proves you have permission to reside in the United States. ***Do not travel outside of the United States until you receive your Permanent Resident Card. Once your card is issued, you should not stay outside of the United States for more than one year. If you do, you will lose your status as a Lawful Permanent Resident.***

↓ Continued on next page ↓

After Your Visa Interview



Children's Issues – In the United States, children are required to have certain vaccinations before they can enroll in school. We recommend that you bring your child's complete vaccination records with you to the United States. If your child is adopted, you have full custody because of a divorce, or you share custody with another parent, you should bring a copy of all applicable adoption or custodial papers from the authoritative court in your home country. You will need these papers (translated into English) for issues such as school enrollment, medical care, and eventual citizenship.

Information for New Immigrants – Please visit the USCIS web page for helpful information on moving to the United States. You can read their publication "[Welcome to the United States: A Guide for New Immigrants](#)" online.



АҚШ Элчихонаси

Тошкент, Ўзбекистон

ДИҚҚАТ

Тошкентдаги АҚШ Элчихонаси, Россия резидентлари учун иммиграцион виза (IR-5) хизматларини амалга ошириш учун тайинланган. Қўшимча маълумот олиш учун [U.S. Visa News](#) сайтига ўтишингиз мумкин. Иммиграцион виза мурожаатчилари қўшимча кўрсатмалар учун [Тошкентдаги АҚШ Элчихонасининг веб-саҳифаси](#)ни кўриб чиқишлари керак. Ҳозирда суҳбат санаси белгиланган мурожаатчилар суҳбат санасини сўраш ёки тасдиқлаш учун [Public Inquiry Form](#) (Оммавий Сўровнома Формаси) орқали Миллий Виза Маркази (NVC)га мурожаат қилишлари керак.

Илтимос, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳрида жойлашган АҚШ элчихонасида иммиграцион суҳбатингизга келишдан **аввал** қуйида келтирилган кўрсатмаларга риоя қилинг.

1 - босқич: Суҳбатингизни онлайн рўйхатдан ўтказинг

Сиз суҳбатингизни онлайн рўйхатдан ўтказишингиз зарур. Суҳбатингизни онлайн тарзда рўйхатдан ўтказиш, сизга суҳбатдан сўнг паспортингизни қайтариб беришимиз учун керакли маълумотни бизга беради. Рўйхатдан ўтиш бепул. Қуйидаги “Рўйхатдан ўтиш” тугмасини босинг.

Агар суҳбат санангизни ўзгартириш ёки бекор қилиш истагида бўлсангиз, суҳбатингизни рўйхатдан ўтказганингиздан сўнг, бу жараённи амалга оширишингиз мумкин бўлади.

[Рўйхатдан ўтинг](#)

2 - босқич: Ўзбекистонда тиббий кўриқдан ўтинг

Суҳбатингиз куни ва вақтидан хабардор қилинганингиз заҳотиёқ, Ўзбекистонда тиббий кўриқдан ўтиш учун қабулга ёзилинг. Қуйидаги “Тиббий Кўрик Йўриқномалари” тугмасини босиб, Ўзбекистондаги тайинланган шифохоналар рўйхати билан танишиб чиқинг. Суҳбатингиздан аввал, шу рўйхатда келтирилган шифокорларнинг бирига қабулга ёзилиб, тиббий кўриқдан ўтинг.

[Тиббий Кўрик Йўриқномалари](#)

3 - босқич: Суҳбатга тайёргарлик рўйхатини тўлдириг

Суҳбатингизга барча асл нусхадаги ҳужжатларингизни олиб келишингиз жуда муҳим ҳисобланади. Биз суҳбатингизга нималарни олиб келишингизни кўрсатувчи рўйхат тайёрлаганмиз. Илтимос қуйидаги рўйхатни чоп этиб олинг ҳамда унда санаб ўтилган ҳужжатлар билан бирга суҳбатингизга келинг.

[Суҳбатга тайёргарлик рўйхати](#)

Биз билан боғланинг

АҚШ Элчихонаси
Юнусобод тумани, 5-мавзе
Мойқўрғон кўчаси, 3 уй
100093
Тошкент, Ўзбекистон

Биз билан боғланинг:
[Виза Навигатори](#)

Интернет саҳифа:
[U.S. Embassy in Uzbekistan](#)

Харита:



Бошқа манбалар

- [Diversity Visa Йўриқномалари](#)
- [Суҳбатдан сўнг](#)
- [Кўп сўраладиган саволлар](#)
- [Ҳужжатлар бўйича маълумот](#)

Social media



Interview Preparation Video



4 - босқич: Сұхбат йўриқномаларини кўриб чиқинг

Бизнинг сұхбат йўриқномаларимизни ўқиб чиқиб, виза сұхбатингиздан аввал амалга оширишингиз керак бўлган муайян ҳаракатларни билиб олинг.

Сұхбат йўриқномалари

Тиббий кўрик йўриқномалари



Иммиграцион визага мурожаат этувчиларнинг барчаси, ёшларидан қатъий назар, виза олишдан аввал тиббий кўриқдан ўтишлари шарт. Бундай кўриқни фақатгина АҚШ элчихонаси тайинлаган шифокорлар ўтказиши мумкин. АҚШ элчихонасидаги **виза суҳбатингиздан аввал қуйида маълумотлари келтирилган клиникада тиббий кўриқдан ўтиш вақтини белгилаш сизнинг жавобгарлигингиздир**. Сизга тавсиямиз: тиббий кўригингизни виза суҳбатингиздан камида уч ҳафта аввалга белгиланг. Шунда кўриқ натижаларингиз суҳбат кунигача тайёр бўлишини таъминлайсиз.

Тайинланган клиника

Тошкент Халқаро Клиникаси (Tashkent International Clinic (TIC))

Сарикўл кўчаси, 38, Тошкент шаҳри

Телефон: (998-78) 120 1120 ва

Интернет саҳифа: www.tashclinic.org

Тиббий кўриқка нималарни олиб келиш керак?

17 ёшдан кичик мурожаат этувчилар тиббий кўриқка ота-онасидан бири ёки қонуний васий билан келиши шарт. Тиббий кўриқка қуйидагиларни олиб келишингиз лозим:

- Хорижий паспортингиз ва битта нусхаси;
- Сизнинг иммиграцион иш рақамингиз кўрсатилган суҳбат белгиланганлиги ҳақидаги хат;
- DS-260 анкетасининг тасдиқлов варағи;
- Маҳаллий тиббий хизмат кўрсатувчи муассаса (поликлиника) дан олинган эмлаш ёзувлари (063 шакли);
- АҚШда боғланиш учун шахс ва унинг манзили;
- Ўзбекистондаги манзилингиз;
- Сизнинг электрон почтангиз, ва
- Сизга тегишли бўлса, кўзойнагингиз ёки контакт линзаларингиз.

Тиббий кўриқ давомида

Тиббий кўриқдан ўтиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Тиббий тарихни кўриб чиқиш;
- Умумий тиббий кўриқ;
- Кўкрак қафаси рентгени;
- Сифилис учун қон таҳлили (18-44 ёш оралиғидаги мурожаатчилар учун);
- Сийдик гонорея тести (18-24 ёш оралиғидаги мурожаатчилар учун);
- Туберкулёз скрининги учун қон таҳлили (икки ёш ва ўндан катта мурожаатчилар учун).

Шифокорингиз зарурият туғилган ҳолатда, бошқа таҳлилларни ҳам сўраши мумкин. Тиббий тарихингиз, қабул қилаётган дори-дармонларингиз ва ҳозирда даволаниш учун олаётган муолажалар ҳақида мулоқот қилишга тайёр бўлинг. АҚШ иммигрантлари учун умумий тиббий талаблар ҳақида қўшимча маълумотни [Касалликларни Назорат Қилиш ва Олдини Олиш Марказларининг веб-сайтида](#) топишингиз мумкин.

АҚШ иммиграцион қонунчилиги, иммиграцион виза мурожаатчиларидан виза берилишидан аввал белгиланган вакцинацияларни олишни талаб этади. Ҳозирги иммиграцион виза учун белгиланган вакцинация талаблари CDC.Gov сайтида мавжуд. У ерда ёшингиздан келиб чиққан ҳолда, [қандай вакцинациялар олишингиз кераклиги](#) ҳақида маълумот топишингиз мумкин. Шунингдек, Travel.State.Gov веб-сайтида тиббий кўриқдан ўтиш талаблари бўйича Кўп Сўраладиган Саволлар билан танишиб чиқишингиз мумкин.

↓ Кейинги саҳифага ўтинг ↓



Тиббий кўрик йўриқномалари

Тиббий кўриқдан кейин

Тиббий кўрик натижалари клиника томонидан, иммиграцион виза сўхбатингиздан аввал АҚШ элчихонасининг Консуллик бўлимига етказиб берилади. Ҳеч қандай ҳолатда клиника ёки АҚШ элчихонаси сизга текширув натижасида олинган расмий тиббий бланкаларнинг нусхаларини тақдим эта олмайди.

Сўхбатга тайёргарлик рўйхати



Илтимос, қўйида келтирилган ҳар бир мурожаатчи иммиграцион виза сўхбатига олиб келиши шарт бўлган ҳужжатлар рўйхатидан фойдаланинг.

Агар сизнинг ишингиз электрон равишда кўриб чиқилган бўлса, сизнинг петиционерингиз қўйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини Электрон Анкеталар Консуллик Тизими (СЕАС) орқали NVСга тақдим этган.

СЕАС тизими орқали тақдим этилган ҳар қандай ҳужжат инглиз тилида бўлмаса, уни инглиз тилидаги тасдиқланган таржимаси билан юклаш керак бўлади. Ҳар бир ҳужжатнинг нусхаси ва таржимасини биргаликда сканердан ўтказиш ва бир файл шаклида юклаш жуда муҳимдир. Агар ҳужжатларингиз талаб этилган форматда юкланмаган бўлса, улар сўхбатингиз пайтида рад этилади ва бу ишингизни кўриб чиқилишини кечиктириши мумкин. Шунинг учун, СЕАС тизимига юклаган барча ҳужжатларингизни сўхбат кунигача кўриб чиқинг.

СЕАС тизимига ҳужжатларни қандай юклаш бўйича қўшимча маълумот учун [Сканерлаш ва Юклаш Бўйича Йўриқнома](#) га мурожаат этинг.

Сиз СЕАС тизимига юклаган барча ҳужжатларингизнинг аслини сўхбат куни олиб келишингиз шарт.

Агар сизнинг ишингиз одатий (қоғоз) шаклда кўриб чиқилган бўлса, сизнинг ҳар қандай ҳужжатларингиз инглиз тилидаги тасдиқланган таржимаси билан бўлиши шарт.

- Паспорт-АҚШга кириб бориш санангиздан ташқари амал қилиш муддати энг камида саккиз (8) ойдан кам бўлмаган паспорт ва унинг биографик маълумотлари бетидан нусха (сизнинг исмингиз ва расмингиз акс эттирилган бет).
- Фотосурат-Ҳар бир мурожаатчи учун яқинда олинган икки (2) дона 5см х 5см ҳажмдаги оқ фонда туширилган фотосурат; Илтимос, [фотосуратлар учун белгиланган талабларимиз](#) танишиб чиқинг.
- DS-160 анкетасининг тасдиқлов варағи (агар тааллуқли бўлса): Ноиммиграцион Виза мурожаати учун DS-160 анкетасининг тасдиқлов варағи, ушбу анкета онлайн равишда ceac.state.gov/GenNIV интернет саҳифасида тўлдирилади. **(Ушбу анкета қаллиқ визаси (К визаси)га мурожаат этаётганлардан талаб этилади).**
- Сизнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномангизнинг асли, унинг инглиз тилидаги таржимаси ва нусхаси. Агар сиз исм-шарифингизни ўзгартирган бўлсангиз, суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлинмаларидан шу ҳақда ҳужжатни бизга тақдим этишингиз керак.

↓ Кейинги саҳифага ўтинг ↓

Сўхбатга тайёргарлик рўйхати



Қия босма ҳарфда келтирилган виза тоифаларидан бирига тегишли бўлган виза мурожаатчилари қуйидаги қўшимча ҳужжатларни олиб келиши талаб этилади:

Оила бирлашуви асосидаги виза мурожаатчилари

- Оилавий муносабатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, исм шариф ўзгартирилганлиги ҳақида маълумотнома (агар тааллуқли бўлса), асраб олинганлик ҳақида қарор/ҳужжат).
- Ҳар бир кўмак берувчи ҳомий томонидан имзоланган [I-864 кўмак тасдиғи формаси](#) ва унга бириктирилган охириги йиллар учун АҚШ солиқ хизматидан солиқ топширилганлиги тўғрисида кўчирманинг (IRS Transcripts) ёки W-2 формаларининг нусхаси.
- АҚШдаги петиционернинг мақомини тасдиқловчи ҳужжат ва унинг АҚШдаги [доимий яшаш манзили](#) (АҚШ фуқароси паспорти, фуқаролик олинганлиги ҳақида сертификат, ёки доимий яшаш ҳуқуқига эга резидентнинг карта нусхаси)
- Петиционер ва виза мурожаатчиси ўрталаридаги муносабатларни ҳақиқий эканлигини тасдиқловчи далиллар (биргаликда туширилган расмлар, хатлар ёки электрон почта орқали юборилган хатлар).
- Агар Сиз 16 ёшдан катта бўлсангиз:* Ҳозирда Сиз яшаётган мамлакатдан ҳамда илгари яшаган бошқа мамлакатларингиздан судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотноманинг **асл нусхаси**. Агар қуйида келтирилган маълумотлар **Сизга тегишли** бўлса, у ҳолда Сиз сўхбатга янги судланмаганлик ҳақида маълумотнома олиб келишингиз шарт:
 1. Сиз 16 ёшдан катта бўлсангиз;
 2. Сиз судланмаганлик ҳақидаги маълумотномани олиб, NVCга бир йил олдин юборган; ва
 3. Сиз судланмаганлик ҳақидаги маълумотномангиз олинган мамлакатда ҳозиргача истиқомат қилаётган бўлсангиз.

Мурожаатчилар Ўзбекистонда судланмаганлик ҳақидаги маълумотномани Давлат Хизматлари Агентлиги ёки Ягона Интерактив Портал my.gov.uz орқали олишлари мумкин. Судланмаганлик ҳақидаги маълумотномага мурожаат этиш вақтида, аввал қўлланилган барча исм-шариф киритилганига ишонч ҳосил қилиш муҳимдир. Бу сизнинг, турмуш қургунга қадар фойдаланган фамилиянгиз ёки бошқа бирор сабаб билан ўзгартирган исм шарифингизни ҳам ўз ичига олади. Тақдим этиладиган барча маълумот тўғри ва тўлиқ бўлишини таъминлаш учун, маълумотномага мурожаат этиш вақтида ўзингиз фойдаланган барча исм-шарифингиз, жумладан турмуш қургунга қадар фойдаланган фамилиянгизни ҳам киритишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотнома учун ўз мамлакатларининг Элчихоналари орқали Ўзбекистоннинг Ташқи Ишлар Вазирлигига мурожаат этишлари шарт. *Судланган ёки жиноий жавобгарликка тортилган виза мурожаат этувчиси ўзи билан барча судга оид ҳужжатларни олиб келиши шарт.* Ушбу ҳужжатлар ҳаттоки шахс жавобгарликдан озод қилинган, судланганлиги олиб ташланган ёки амнистия қўлланган ҳолатлардан қатъий назар талаб қилинади.

Совет Армияси сафида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (ҳозирда Россия, Германия, Украина ва бошқа давлатлар) бўлган ҳудудларда ҳарбий хизмат ўтаган шахслар ўша давлатлардан ҳам судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномани тақдим қилишлари шарт. Сиз [Консуллик Масалалари Бюросининг интернет саҳифасида](#) келтирилган давлатлар рўйхатидан тегишли давлатни танлаб, шу давлатдан судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномани олиш жараёни билан танишиб чиқишингиз мумкин.

↓ Кейинги саҳифага ўтинг ↓

Сўхбатга тайёргарлик рўйхати



ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДА ЎТАГАН ШАХСЛАРГА МУҲИМ МАЪЛУМОТ: Мудофаа Вазирлигининг чет давлатда ўталган ҳарбий хизмат мобайнида судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномаси ўша давлатнинг судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномаси ўрнини эгаллай олмайди.

- Агар Сиз жиноий жавобгарликка тортилган бўлсангиз:** суд ҳукми/қарори/ажримининг **асли**, нусхаси ва бириктирилган таржимаси;
- Агар қонуний турмушда бўлсангиз:** Никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг **асли**, нусхаси **ва** бириктирилган таржимаси. Ушбу ҳужжат IR5 виза мурожаатчиларидан талаб этилмайди.
- Агар илгари қонуний никоҳда бўлган бўлсангиз:** Мурожаатчининг ҳар бир олдинги турмушдан ажрашганлик ёки вафот этганлик ҳақида гувоҳнома ёки суднинг никоҳ бекор қилинганлик тўғрисидаги қарорининг **асли** ва нусхаси. Ушбу ҳужжат IR5 виза мурожаатчиларидан талаб этилмайди.
- Агар ҳарбий хизмат тўғрисидаги қайднома ёки ҳарбий хизмат гувоҳномангиз бўлса:**
 - Ҳарбий хизмат гувоҳномангизнинг **асли** ва фотонусхаси;
 - Агар ҳарбий хизматдан озод этилган бўлсангиз, ҳарбий хизмат гувоҳномасининг ўрнига қайд этиш гувоҳномасининг (приписной билет) **асли**;
- Иш визаси асосида мурожаат этаётганлар учун:** АҚШдаги иш берувчи томонидан энг камида сўхбатгача бир ой олдин берилган хат ва виза олиш талабларига жавоб беришингизни тасдиқловчи далиллар.
- Агар Сиз асраб олинган бўлсангиз:** Асраб олинганлик ҳақида суд қарори ёки васийликка олинганлик ҳақида ҳужжатларнинг **асли**, нусхаси **ва** бириктирилган таржимаси талаб этилади.
- Агар Сиз петиционернинг ўғай фарзанди бўлсангиз:** Петиционер ва биологик ота/она ўртасидаги никоҳ тузилганлик ҳақида гувоҳноманинг **асли**, нусхаси **ва** бириктирилган таржимаси, ҳамда икки томондан аввалги турмушларидан ажрашганлик ҳақида суд қарори бўлса, уларнинг **асли**, нусхаси **ва** бириктирилган таржимасини олиб келинг.
- Агар Сиз IR5 (АҚШ фуқаросининг ота-онаси) визасига ёки F4 (АҚШ фуқаросининг ака/ука/опа ёки синглиси) визасига мурожаат этаётган бўлсангиз:** АҚШдаги петиционернинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг **асли** **ва** нусхасини олиб келишингиз керак. Петиционернинг исм -шарифни ўзгартирганлик ҳақидаги гувоҳномасининг **асли** (агар тааллуқли бўлса).

Агар Сиз K1, K2, K3, ёки K4 (қаллиқ) визаларига мурожаат этаётган бўлсангиз:

- Ноиммиграцион Виза мурожаати учун DS-160 анкетасининг тасдиқлов варағи, ушбу анкета онлайн равишда ceac.state.gov интернет саҳифасида тўлдирилади.
- Ҳар бир молиявий ҳомийнинг энг сўнги АҚШ федерал молиявий даромад солиғи ҳужжатлари ёки тегишли W-2 ҳужжатлари ёки IRS Солиқ Декларациялари билан биргалиқда I-134 кўмак тасдиғи формаси



Сўхбат йўриқномалари

АҚШ элчихонасига ҳужжатларни юбориш

АҚШ элчихонаси сиздан қўшимча маълумот ёки ҳужжат талаб этган ҳолатда, сиз сўралган ҳужжатларни, “Ҳужжатларни қабул қилиб олиш учун белгиланган жой”га тақдим этишингиз зарур.

Сўхбатингизни бекор қилиш ёки бошқа санага кўчириш

Агар сўхбатингизга кела олмасангиз <https://ais.usvisa-info.com> веб-сайти орқали сўхбат санасидан 24 соат ўтгандан сўнг, сўхбат санасини бошқа кунга кўчириш учун мурожаат этишингиз мумкин. **Сиз сўхбатингиз бошқа кунга белгиланган санангизда визалар сони мавжудлигига кафолат йўқ.** Илтимос, сўхбатингизни бошқа кунга кўчиришдан аввал синчковлик билан [Виза Бюллетенини](#) кўриб чиқинг. Турли миллатга мансуб иммигрантлар (Грин Кард) дастурига мурожаат этувчилар виза рақамлари миқдоран чекланганини ва улар дастур йилининг 30 сентябригача берилиши шартлигини билишлари керак.

Эслатма: Сўхбат санасини бошқа санага кўчиришдан аввал, сиз *NVC/КСС* томонидан белгиланган сўхбат санангизни рўйхатдан ўтказишингиз зарур. Бошқа санага сўхбатни кўчириш фақатгина белгиланган сўхбат санаси ўтгандан сўнг мумкин бўлади.

Хавфсизлик текшируви жараёнлари

АҚШ элчихонасига ташриф буюрувчиларнинг барчаси муайян хавфсизлик текшируви жараёнларидан ўтишлари шарт. АҚШ элчихонасининг хавфсизлик хизмати ходимлари амалга оширадиган текширув жараёнларидан ўтишга бош тортганлар Элчихона ҳудудига киритилмайдилар. Ўзингизнинг ва сиздан кейин навбатда кутиб турганларнинг Элчихонага киритилишини кечиктирмаслик учун, илтимос, сўхбатингизга фақатгина талаб қилинган нарсаларни олиб келинг. Маслаҳатимиз: сўхбатингиз белгиланган вақтдан 15 дақиқа аввал етиб келинг. Агар кечиксангиз, тайинланган сўхбатингизга киритилмаслигингиз мумкин.

Сўхбатга ҳамроҳлик қилувчи шахслар

Қуйидаги шахслар виза мурожаатчисига сўхбат куни ҳамроҳлик қилиши мумкин:

- Балоғатга етмаган фарзандларнинг ота-онаси ёки қонуний васий: 16 ёшдан кичик виза мурожаатчилари ота-она ёки қонуний васий томонидан ҳамроҳлик қилиниши зарур. Агар ота-она сўхбат куни ташриф буюра олмаса, балоғатга етмаган мурожаатчилар, имзоланган ва нотариал тасдиқланган ишончнома остида қонуний васий томонидан сўхбатга ҳамроҳлик қилиниши зарур.
- Таржимонлар: Тошкентдаги АҚШ Элчихонасида виза учун сўхбатлар Инглиз, Ўзбек ва Рус тилларида олиб борилади. Ушбу тилларда мулоқот қила олмайдиган мурожаатчилар ўзлари билан виза сўхбатига таржимон олиб келишлари зарур бўлади.
- Петиционер: Хоҳишга кўра, Петиционер виза мурожаатчисининг сўхбатига ҳамроҳлик қилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳамроҳлик қилувчиларни қабулга ёзиш мақсадида Элчихонага хабар бериш учун [Виза Навигатори](#) орқали мурожаат этишингиз керак. Элчихонага кириш учун барча шахслар ўз паспортлари билан келишлари шарт.

Шуни инобатга олинки, ҳуқуқшунослар ўз мижозларининг иммиграцион сўхбатлари давомида ёки сўхбат кутиш залида ҳамроҳлик қилишлари учун рухсат берилмайди.

↓ Кейинги саҳифага ўтинг ↓



Иммигрант визаси тўловлари

Агар Сиз Миллий Виза Марказига талаб этилган тўловларни амалга оширмаган бўлсангиз, ушбу тўловларни сўхбат куни тўлашингиз керак. Барча тўловлар АҚШ долларида амалга оширилади. Биз фақатгина нақд пул қабул қиламиз. *Илтимос, шуни инобатга олингки, виза олиш талабларига жавоб бермасангиз сиз тўлаган тўлов қайтарилмайди. Барча тўловлар рўйхати билан [ушбу](#) интернет саҳифасида танишиб чиқишингиз мумкин.*

Ўзбекистондан ташқарига сафар режалаштирманг

Визангиз маъқулланган ҳолатда, биз иммиграцион ҳужжатлар тўпламингизни тайёрлагунга ва визангизни чоп этгунимизга қадар паспортингизни элчихонада олиб қоламиз. Агар паспортингиз бизда бўлган давр ичида Ўзбекистон ҳудудида сафар режаларингиз бўлса, ёнингизда паспортингиздан бошқа фотосуратли, шахсни тасдиқловчи ҳужжатингиз борлигига ишонч ҳосил қилинг.



Агарда сиз DV суҳбатидан ўтадиган бўлсангиз, барча юқорида келтирилган йўриқномалар, ушбу виза тоифаси мурожаатчилари учун ҳам амал қилади. Белгиланган суҳбат кунингиздан аввал, тиббий кўрик учун қабул кунини белгиланг ва кўриқдан ўтинг, ҳамда талаб этиладиган барча ҳужжатларни тўпланг.

Қуйида келтирилган қўшимча йўриқномалар эса, **фақатгина** DV виза мурожаатчиларига тааллуқлидир.

Суҳбат кунини олиб келинг

Суҳбатга тайёргарлик рўйхатида келтирилган ҳужжатларга қўшимча равишда, DV дастури виза мурожаатчилари, қуйидагиларни ҳам виза суҳбатига олиб келишлари зарур:

- [E-DV веб сайтида](#) Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали чоп этилган суҳбат ҳақидаги маълумот.
- Асосий виза мурожаатчисининг, камида умумий ўрта таълимни тамомлаганликни тасдиқловчи **ЁКИ** визага мурожаат этишдан аввал сўнги беш йил ичида мувофиқ икки йиллик иш тажрибасига эга эканликни тасдиқловчи ҳужжатлар (асосий виза мурожаатчисига тааллуқлидир; қўшимча маълумот учун ушбу [онлайн](#) ҳаволани босинг).
- DV дастури учун 330 нақд АҚШ доллари миқдоридаги маъмурий тўлов.

DV дастурига илк топширган аризангизни кўриб чиқинг

- Белгиланган виза суҳбатидан аввал, дастурга топширган илк аризангиздаги (E-DV entry) маълумот билан танишиб чиқишингизни тавсия қиламиз. Сиз дастлабки E-DV аризангизда, тўлиқ расмий исм-шарифингиз, туғилган санангиз, жинсингиз ва оилавий аҳволингиз каби барча талаб этилган маълумотни тўғри тартибда киритган бўлишингиз шарт. Ҳозирда расмий турмуш ўртоғингиз билан биргаликда истиқомат қилмаётган бўлсангиз ҳам, уни расмий турмуш ўртоқ сифатида киритган бўлишингиз зарур (турмуш ўртоғингиз АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резидент бўлган ҳолат бундан мустасно).
- Шу билан биргаликда, 21 ёшдан кичик ва турмуш қурмаган БАРЧА ҳаётда бўлган фарзандларингизни аризангизга киритган бўлишингиз шарт. Ушбу қоида, сизнинг ўз фарзандларингиз, турмуш ўртоғингизнинг фарзандлари, мамлакатингиз қонунчилигига мувофиқ равишда расман асраб олган фарзандларингизни ўз ичига олади.
- ***Diversity Visa дастурида мавжуд турмуш ўртоқ ёки фарзандларни киритмаслик ёки ариза тўлдириш вақтида хато киритилган шахсий маълумотлар, сизнинг ва оила аъзоларингиз виза мурожаатига рад жавоби берилишига сабаб бўлади.*** АҚШ ҳукуматига виза мурожаати учун оширилган ҳар қандай маъмурий тўлов миқдори қайтариб берилмайди. [Дастурга Мувофиқлик Талаблари \(state.gov\)](#) билан онлайн танишиб чиқишингиз мумкин.

Сўхбатдан сўнг



Консул виза мурожаати бўйича қарорни фақатгина расмий мурожаатни кўриб чиқиб, визага мурожаат этувчи билан сўхбат ўтказгандан кейингина қабул қила олади. **Сизнинг виза олишингизга ҳеч қандай кафолат берилмайди.** Иммиграцион визангизни қўлга олгунга қадар ишингиздан бўшаманг, мулкингизни сотманг, ёки тўлови қайтариб берилмайдиган авиабилетларни сотиб олманг ва бошқа сафар тайёргарликларини кўрманг.

Қўшимча маълумот керак бўлган ҳолат

Баъзида, консул қўшимча ҳужжатларни кўриб чиқиш керак бўлганлиги ёки маъмурий жараёнлар ўтказиш шартлиги тўғрисида виза мурожаати бўйича рад жавоби бериши мумкин.

Қўшимча ҳужжатлар сўралганда:

- Консул сизга қўшимча ҳужжатлар сўралган рад жавоби хатини беради.
- Хатда шу ҳужжатларни қандай қилиб Элчихонага топшириш мумкинлигини тушунтирувчи йўриқномалар ҳам бўлади.

Маъмурий жараён:

- *Ушбу жараён Консуллик бўлими сизнинг ишингизни кўриб чиқиши учун қўшимча вақт кераклигини билдиради.*
- *Ушбу жараён қанча вақт давом этиши, сизга тегишли ҳолатдан келиб чиқади.*

Виза маъқуллангандан кейин нима бўлади?

Паспорт, виза ва муҳрланган иммиграцион ҳужжатлар тўплами – Биз иммиграцион визангизни паспортингизнинг варағига жойлаштирамиз. Илтимос, визангизни кўриб чиқиб, ундаги ёзувларда хатолар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг. Сизга, шунингдек, АҚШга илк бор етиб келганингизда иммиграция хизмати ходимига беришингиз керак бўлган, ҳужжатларингиз жойланган, муҳрланган конверт ҳам берамиз. **Бу конвертни очманг. Уни ўзингиз билан бирга олиб боринг, топшириладиган багаж ичига жойламанг.**

Агар виза мурожаатингиз электрон тарзда кўриб чиқилган бўлса, сизга конверт берилмайди, барча ҳужжатларингиз электрон тарзда Чегара ва Божхона Назоратига (CBP) юборилади.

Агар сўхбатингиз куни рентген тасвирлари олсангиз, уларни ҳам ўзингиз билан олиб, керак бўлганда иммиграция хизматига тақдим этинг.

USCIS Иммиграция тўлови – Барча чет элда иммиграцион виза олган шахслар Қўшма Штатларга **етиб келишдан аввал** АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизматига (USCIS) **Иммиграция Тўловини амалга оширишлари** шарт. Бу тўлов сизнинг доимий истиқомат қилиш мақомингизни расмийлаштириш ва Доимий Қонуний Резидент картангизни чоп этиш учун мўлжалланган. Мазкур тўловни тўлашдан фақатгина қуйидагилар озод қилинадилар:

- АҚШга Гаага конвенциясида кўзда тутилган жараёнларга кираётган болалар;
- Қайтаётган доимий резидентлар
- Афғон фуқаролари учун махсус иммиграцион визалар (SIV)
- ва К визалари билан келаётганлар.

Қачон боришингиз керак – Сиз АҚШга визангизнинг амал қилиш муддати ўтмасдан киришингиз керак. Ушбу муддат, одатда, виза чоп этилган кундан олти ой давом этади. Визангизнинг амал қилиш муддатини узайтириб бўлмайди ва ҳеч қайси тўлов қайтариб берилмайди. Асосий мурожаат этувчи виза олган бошқа оила аъзоларидан **аввал ёки улар билан бирга** кириши шарт. Виза берилганидан **кейин 21** ёшга тўлаётган болалар АҚШга 21 ёшга тўлишларидан аввал киришлари шарт; акс ҳолда улар иммиграцион мақомларидан маҳрум бўладилар.

Грин Картани олиш – Сизга тегишли Доимий Қонуний Резидентлик I-551 шакли, яъни Грин Карта, автоматик равишда виза мурожаатномангизда ўзингиз киритган АҚШдаги манзилга почта орқали юборилади. Бу сизнинг АҚШда яшашга ҳуқуқингиз борлигини исботловчи муҳим ҳужжатдир. Доимий Қонуний Резидентлик картангизни олмаганингизча АҚШдан ташқарига сафарга чиқманг. *Картангиз берилгандан кейин АҚШдан ташқарида бир йилдан ортиқ турманг. Агар турсангиз, Доимий Қонуний Резидентлик мақомингизни йўқотасиз.*

↓ [Кейинги саҳифага ўтинг](#) ↓

Сўхбатдан сўнг



Болалар масалалари - Болалар АҚШдаги мактабларга қабул қилинишлари учун маълум эмлашларни олган бўлишлари талаб этилади. Шу сабабли сизга фарзандингизнинг тўлиқ эмлашлари кўрсатилган ҳужжатларни ўзингиз билан АҚШга олиб келишингизни тавсия этамиз. Шунингдек, агар фарзандингиз асраб олинган бўлса, ажрашгандан кейин ота-оналик ҳуқуқи фақат сизда бўлса ёки фарзандингизнинг ота-онасидан иккинчиси билан бирга тенг ота-оналик ҳуқуқига эга бўлсангиз, мамлакатингизнинг мутассадди судларидан асраб олиш ёки ота-оналик ҳуқуқи ҳақидаги тегишли ҳужжатларни ўзингиз билан бирга олиб келинг. Бу ҳужжатлардан мактабга киритиш, тиббий хизмат ва кейинчалик фуқароликни расмийлаштиришда фойдалана олишингиз учун уларни инглиз тилига таржима қилдириб олиб келишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Янги иммигрантлар учун маълумот– АҚШга кўчиб ўтиш учун фойдали маълумотларни АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизматининг (USCIS) Интернет саҳифасида топишингиз мумкин. Сиз уларнинг "[Америка Қўшма Штатларига хуш келибсиз: Янги иммигрантлар учун қўлланма](#)" нашри билан онлайн танишиб чиқишингиз мумкин.